

Юридик шахслар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқлар

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР

Қатъий белгиланган солиқни тўловчилар қуйидагилардир:
фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб
чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи
юридик шахслар.

ФАОЛИЯТНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Қатъий белгиланган солиқ солинадиган фаолият турларининг рўйхати,
шунингдек фаолиятнинг мазкур турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлар
қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб
чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи
солиқ тўловчилар фаолиятнинг қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ
этиладиган қисмига доир солиқ солишнинг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқига
эга эмас.

Қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган фаолият билан бир
қаторда фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширувчи юридик шахслар
фаолиятнинг мазкур турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва
умумбелгиланган ёки ушбу бўлимда белгиланган солиқларни тўлашлари шарт.

Асосий фаолият тури бўйича қатъий белгиланган солиқни тўловчилар
бўлган юридик шахслар учун Солиқ кодекснинг 132-моддасида назарда
тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фоизлар,
биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар, шунингдек ижарадан олинган
даромадлар бундан мустасно.

Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга Солиқ кодексда
назарда тутилган тартибда умумбелгиланган солиқлар ёки ягона солиқ тўлови
жорий этилади.

ФАОЛИЯТНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМДА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Қатъий белгиланган солиқ белгиланган фаолият турини тавсифловчи физик
кўрсаткич солиқ солинадиган объектдир.

Солиқ солинадиган база физик кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан
ҳолда белгиланади.

Қатъий белгиланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ даври - бир ой.

Қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

янги ташкил қилинаётган (бошловчи) солиқ тўловчилар томонидан - давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай;

фаолият юритаётган солиқ тўловчилар томонидан - ҳисобот йилининг 15 январигача тақдим этилади.

Солиқ солиш объекти ва иш ҳақининг энг кам миқдори ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчилар аниқлик киритилган ҳисоб-китобни навбатдаги тўловни тўлаш муддатидан кечиктирмай тақдим этишлари шарт.

Қатъий белгиланган солиқни тўлаш:

юрidik шахслар томонидан - ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.